# МУШТУМ

## ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ

Ошкоралик шамоллари туфайли азалдан берк дарвозалар ҳам ланг очилди. Нурли нафаслар юртимизнинг энг бурчак-бурчакларига ҳам кириб бормоқда. Бизнинг чойхонамиз ҳам шу кунларда ўз қаламдошлари билан гавжум. Куни кеча редакциямизга ҳажв муштн билан қайта қуришга хизмат қилаётган «Муштум» тоға кириб келди. Унинг қўлтиғида — бир тўда ҳажвия ва ҳангомалар, латифаю, шеърлар... Биз тоғамиз билан бўлган узоқ суҳбатларимизни айтиб ўтирмасак-да, эътиборингизга у киши келтирган «совғалар»ни ҳавола этсак. Зеро, бу материалларнинг ўзи «Муштум» тоғанинг қилаётган хайрли ишларидан дарак беради.

**«МУШТУМ» ТОҒАНИНГ ШУМГИНА ЖИЯНИ**




Рассом А. ҲАКИМОВ

## НАРХ ЖУДА ПАСТ

### ОҲОРИ ТЎКИЛМАГАН ХАТ

Қадрли «Муштум!» «Деҳқон бўлишни орзу қиласизми?» номли мақолани ўқиб чиқдим. Унда ўзбек пахтакорларининг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғир меҳнатини инобатга олиш тўғрисида қайғуриб ёзилган.

Турғунлик йилларида қадоқ қўлли пахтакорларни «Қўли гул теримчилар» деб мақташди. Кечалари лойларга ботиб ғўзани суғориб юрганларида «Барно сувчи йигитлар», деб мадҳиялар ўқишди. Аммо у ёқда фарзандларимизни тонг қоронғисидан то кечгача дала шийпонидаги осма беланчакларда тебратиб катта қилдик. Кимларнингдир қозони мойли қайнади, кимларники қуруқ.

Бас энди, етар! Дабдабали гаплар заҳматкаш халқимизнинг қозонига барака бўлиб кирмади. Жигарлар хасталанди, сариқ касаллиги кўпайиб кетди. Оналаримиз, сингилларимиз камқонлик касалига дучор бўлишди. Бошида 50 килодан ошиқ пахтани кўтариб чиққан, тушликда гўштсиз овқат истеъмол қилган пахтакорларимизга боқиб жуда ачинар эдим. Бугун ана шу заҳматкаш пахтакорларимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ойлик маошини ошириш, иш соатини камайтириш, уларга ғамхўрлик қилиш пайти келди. Мана, ҳозир пахтачиликда ижара пудратига ўтилди. Лекин барибир пахтакор меҳнатига тўланадиган иш ҳақи жуда кам. Бу ўринда «Деҳқон бўлишни орзу қиласизми?» номли мақола автори Анвар Обиджон ҳақ! Пахтанинг ўртача нархи уч сўм атрофида бўлиши керак.

**Турдиали ТЕШАБОЕВ**
**Наманган область «Поп» совхози**

## НОТИҚ

I

**Ф**АЛАКНИНГ кажрафторлигини қарангки, Тоймас Толмасович ўтган йилнинг худди шу ой, шу кунида шу мактабда директор эди. «Сан азиз этган қулингни ҳеч киши хор айламас...» Оҳ-оҳ-оҳ, индалло гапни айтган экан-да, Бедилми, Сўфи Оллоёрми. Мана бугун у бутун бир қишлоқнинг гапга етар каттаси.

Учқур хаёли қурғур директорликдан бўшаган кунларига етаклади. Йиғилиш аҳли унга «кўпчилик ҳақини ўмаргани, пора олгани учун...» каби айбларни тўнкаб, бўшатди. Хайрият, ўша қора кунлар ортда қолди. Бугун шу мактаб залида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан ҳисобот бераяпти.

— Сўз қишлоқ Советининг раиси Тоймас Толмасовичга!

У минбарга чиқиб: «Ўртоқлар!» — деганда ўртадаги улкан қандил жаранглаб кетди. Ўтирганлар нотиқ салобатидан анграйиб қолди. Маъруза давомида жуда кўп оилалар мўмай даромадни деб, тамаки узибтизишга ўқувчиларни югуртираётгани ҳақида куюниб гапирди. Касаллар кўпайгани, бола ташлаётган хотинлар, мажруҳ туғилаётган гўдаклар юзасидан маълумотлар келтирди.

— Нима қилиш керак? — кимдир луқма ташлади.

— Жавоб бераман. Биринчидан, болаларни умуман тамакига яқин йўлатмаслик, иккинчидан, тамаки майдонини қисқартириб, ўрнига дон, картошка, сабзавот экиш керак. Даромад озроқ бўлгани билан саломатлик кўпроқ бўлади.

— Жуда тўғри, аммо қачон? Шу ишни ким қилади? Гапдан ишга ўтамизми, ё? — ўрнидан туриб кетди куюнчак оқсоқол.

— Биз қиламиз, колхоз раиси қилади, — дадил жавоб қилди Тоймас Толмасович.

II

**Б**ИР СОАТ ўтар-ўтмас қишлоқ каттаси колхоз клубида ҳозир бўлди. У ёш тамакикорлар слётида маъруза қилди.

— Қишлоғимиз ободлиги нимадан — тамакидан. Фаровонлиги нимадан — тамакидан. Хуллас, даромад манбаи бўлган бу экинга эътиборни кучайтирайлик. Узиб-тизиш вақти ғанимат, иложи борича иккала мактабда машғулотларни уч-тўрт ҳафта тўхтатиб, мидираганки жонни «сариқ олтин»ни йиғиб олишга сафарбар этайлик.

Шу пайт қора фуфайка кийган норғул йигит ўрнидан турди.

— Ҳўв, бўлиш, тўхтанг. Бир соат аввалги гапингиз аксинча эди-ку?

— Қачон? Қайси гап? — дастлаб каловланди Тоймас Толмасович.

— Мактабдаги гап-чи?!

— Сиз қаёқдан билдингиз? Хотинларнинг ичида нима қилиб юрувдингиз?

— Хотинимни шу мажлисга етказиб келай деб, машинам билан боргандим. Зал четида ўтирдим-ку?!

Тоймас Толмасович бунақа мажлис, бунақа ноқулай вазиятларнинг кўпини кўрган. Ўзини ўнглаб олди.

— Энди, ука, — деди нутқини йиғиштириб, — ҳозирги талаб шу. Бизга ҳам осонмас... Қайта қуриш бормоқда, ахир.

— Ҳа-я...

**Абдуғани АБДУҒАФУРОВ**

## ЖУМБОҚ ЕЧИНГ, АКАЛАР

Яккабоғ район халқ маорифи бўлими раҳбарларига 2-синф ўқувчилари тушунчаси даражасидаги арифметик жумбоқни ҳавола қилмоқчимиз: қишлоқ билан мактаб оралиғи уч километр. Манзилга иккита катта тепаликдан ошиб, дарёга кўприк деб ташлаб қўйилган икки-учта ходанинг устидан дорбозларга хос эҳтиёткорлик билан ўтиш керак. Йўллар ўнқир-чўнқир, қишда лой кўкракка, ёзда чанг бурунга қадалади. Шу масофани 5-синф ўқувчиси қай фаслда қанча вақтда босиб ўтиши мумкин? Баҳорда, дарё тошиб, кўприкни ювиб кетган пайтларда, баъзан 5—6 кунлаб мактабга йўл тўсилиб қолса, ўқувчи жами неча соат дарсни бой берган бўлади?

Бу саволлар туғилишининг боиси шуки, бизнинг Ҳусин қишлоғимизда тўрт йиллик мактаб бор, бешинчи синфдан бошлаб узоқдаги 38-ўрта мактабга қатнашга мажбурмиз. Ахир 5-синфнинг боласи деярли «гўдак»-ку! Қишлоғимиздаги мактабни лоақал саккиз йилликка айлантириш шунчалар қийинми?

Кўрамиз-да, «иккинчи синф даражасидаги» жумбоқни раҳбарлар қандай ечишаркин?

## АФАНДИ ЛАТИФАСИ

Бир йигит врачга бориб, кафти қичиш касалига йўлиққанини айтаркан, ўша ерда ўтирган Насриддин Афанди гапга аралашди:

— Ука, қайнатангиз ким бўлиб ишлайдилар?

— База мудири, яқинда борганимда миниб юринг, деб мойи артилмаган «06»ни совға қилдилар, — бироз мақтанди йигит.

— Ана энди масала ойдин, — деди Афанди. — Кафтингиз бекорга қичимас экан, эртагаёқ қайнатангизникига боринг, давосини ўша кишидан топасиз.

**Мансур МАҲМУДОВ**
**Наманган**

### ТАЛАНТЛАР ВА МУХЛИСЛАР

## ПАРОДИЯ

Қундузга дарё бешик,
Арслонга-чи, ўрмони.
Оққушларга мовий кўл,
Ой-юлдузга осмони.
«Бешик». **Ўроқ САИДОВ**

**Чўчқага ботқоқ бешик,**
**Ҳовуз —бешик бақага.**
**Ёздим арзимаса-да,**
**Бу шеър сариқ чақага.**

**Ўткир САИДОВ**

### «МУШТУМ» МЕҲМОНХОНАСИ

**Эркин ВОҲИДОВ,**
Ўзбекистон ССР халқ шоири

## ТРАМВАЙДА

**Тунда трамвайда сархуш ўспирин**
**Тинмай ҳайдовчига ёлборар эди.**
**Ана у кўчага юз қадам киринг,**
**Уйим ўша ерда, жон ака, дерди.**

**Бу — трамвай, дерди ҳайдовчи хуноб**
**Сенинг маҳалангга қандоқ кираман?**
**Йигит қулоғига кирмасди жавоб:**
**— Беш сўм олинг, майли, ўн сўм бераман...**

**У сархуш йигитга ўхшайди кўнгил,**
**Орзулари парвоз этар қайдадир.**
**Талпинма, эй кўнгил,**
**Сен гапга кўнгил!**
**Ахир маконимиз трамвайдадир.**

### ИСТЕЪДОДЛАРНИ ИЗЛАЙМИЗ

## ТОЖИ ГАЖАК НИМА ДЕЙДИ?

Вой, биродари азизлар! Ёшум бир жойға борибдуркиим, хотун борасинда хаёл қилурға қўл тегмаптур. Билъакс, бел оғриғи ожиз бандаға хўб озорлар берғоч, хаҳ, жуфти ҳалол бўлғонида кепак қиздуриб босмасму эрди, деб йиғладим. Кўз ёш тийилғонидин сўнг суханварлик бирла ғазал битибдурманким, қуйида келтирурман:

**Дедум: жонон, ҳажрингда ўлсам керак,**
**Бел оғрийдур, давоси иссуқ кепак!**
**Деди: сани сўзларинг рост эрурму,**
**Ё барн ёлғону, айт, қари туллак?**
**Дедум: ёлғон айтмак менга касб эрмас,**
**Кўнглунг истасо гар, ялойин кесак.**
**Деди: аёқ узат кўрпангга қараб,**
**Сенға зор эрмасдур ҳаттоки эшак.**
**Ул авбош сўзидан жаҳлға минуб,**
**Дедумки: бул гапингни ер ютсун, мастак.**
**Деди: «Телба!» Ваҳким, қайрулиб кетди,**
**Вафосиз ёр экан ул, эй, Тожи гажак...**

Андоқ ғам андуҳлар қилуб, қанчадан-қанча эшикларда бурнум қисилуб, совчи қўюр эрсам, ул бадхоҳлар бошинг гувала, лошинг чириғон, тўнка деб, кавшимни тўғриларға тушурлар. Аюҳаннос, халойиқ!

Ушбуни ёзмоқдан мақсад шулким, сўққабош ожизаларға давлат идораларида маошли иш бермоқ дарҳол тўхтатилғони мақбул, токи алар биздек зотларға зору-зор бўлуб, орқамиздин ўзлари совчи қўйсинлар.

Лаббай, биродарлар!

**ЖАҲОНГИР,**
**Тошду талабаси**




Рассом В. ДУМКИН

### ХАНДАЛАР

— Бу қанақаси, официант, пивомда пашша сузиб юрибди-ку!

— Шунга ҳам куюнаверасизми, битта пашша қанча пиво ичарди.

●

Лекция тугагандан кейин профессор бир студентга деди:

— Сиз бутун лекция давомида гапириб ўтирдингиз, уялмайсизми?

— Кечирасиз, жаноб профессор, — деди студент, — уйқуда гапирадиган одатим йўқ.

**Тўпловчи:**
**Сайфулло НАМОЗОВ**

## ЖУРЪАТ

### ШИНГИЛ ҲАЖВ

Корхонанинг оддий ходими Ҳалим-подхалим Қовоқ Қорёғдиевич кабинети эшигини тепиб очиб, ичкарига кириб кетди. Ҳа-ҳа, у шундай мартабали директорнинг ҳамиятига тегадиган, обрўсига путур етказадиган қўпол ҳаракатни қилишга журъат этди!

Котиба қиз Таманнохон ҳам, қабулхонада қўл қовуштириб, қора чарм қопланган эшикка умидвор кўз тикиб ўтирган ҳожатталаб кишилар ҳам бу кутилмаган ҳодисадан ҳангуманг бўлиб қолишди. Ҳамма ҳозир директор бақириб-чақириб, Ҳалимни кабинетдан ҳайдаб чиқаради деб ўйлаганди. Бундай бўлмади. Ичкаридан эркаловчи оҳангдаги сўзлар, қувноқ қаҳқаҳа эшитилди.

Ҳа, совға совғалигини қилди. Ҳалим-подхалим эшикни очаётганда қўллари совғалар билан бандлиги учун оёқ ишлатишга мажбур бўлганди...

**Ҳасан АБДУВОҲИДОВ**
**Тожикистон**

## АСКИЯ КЕЧАСИДА

**Кулгуни жониндан кўради ортиқ,**
**Бу халқнинг севгани аския-пайров.**
**Аскиядан олинг, Муҳиддин қизиқ,**
**Қаҳқаҳа отсин эл бугун бир яйраб.**
**Бир жуфт тухум кучи бордир кулгуда,**
**Табассум — бу гўштдир нақ икки қадоқ.**
**Ош егандай бўлар қўй илгида,**
**Оғзида тўлдириб отса бир қаҳ-қаҳ.**
**Майлига, у ҳасип емаса-емас,**
**Майли у сарёғни тушида кўрсин.**
**Аскиядан олинг, қизиқ, илтимос,**
**Одамлар мириқиб, тўйиб бир кулсин.**

**Азнавур АБДУҒАНИЕВ**
**Риштон**

### ХАЁЛПАРАСТЛАРИМИЗ ГУРУНГИ

# ЯШИРИН КУЗАТУВЧИ

### ФАНТАСТИК ҲАЖВИЯ

**Б**У АТРОФДА туғилмаганман, тамоман бошқа жойданман. Ям номли олис сайёрадан Ерга яширин кузатувчиликка юборилганман. Ранг-рўйим ҳам шу ерда сарғайди...

Ямда яшовчи одамларнинг юзи нақш олмадек. Олмадан гап очганимга ажабланманг, олмаю нашвати, анжиру-анор, қовуну-тарвуз, олчаю-гилослар тиқилиб ётибди. Ўзимиздан ортириб, ҳатто молларга ҳам берамиз — сутида, гўштида соғлом ҳаётни таъминловчи витаминлар кўпаяди.

Ям гўзаллик бобида бутун коинот қаърида ягонадир. Юртдошларим буни жуда яхши ҳис қиладилар. Бу ҳис сайёрамиздаги барча мева-чеваларнинг шарбатлари, ҳавоси билан вужудимизга, қон-қонимизга сингиб кетган. Коинотдаги бошқа сайёралар ҳам эртами-кечми шундай гўзалликка эга бўлишлари керак.

Менинг Ерга келишдан мақсадим ҳам худди шу ният билан боғлиқ. Бу иш балоғат ёшига етган ҳар бир ямлик учун бир имтиҳондир. Биз жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишимиз учун уйланишимиздан олдин олис сайёраларда бир неча йил кузатувчилик қилишимиз шарт. Бу билан коинот ва Ватан равнақига ўз ҳиссамизни қўшамиз. Айниқса, онгли ҳаёт йўқолиб кетиши эҳтимол бўлган сайёралар туркуми мавжудлиги ва Ернинг шу туркумга киришини ҳисобга олсак, менга топширилган вазифа нақадар муҳимлигини англаб етгандирсиз.

Хуллас, бир гуруҳ тенгдошларим билан Ерга қадам қўйдик. Ҳар биримиз ўзимизга тегишли регионларга жойлашдик. Аввалига омадим келди, деб ўйладим. Чунки кимгадир доимий совуқ ўлкаларни, бошқа бировга нуқул қуёш қиздирадиган жойларни кузатиш топширилган бўлса, менга иқлими анча мўътадил, мева-чевалари сероб ўлка теккан эди.

Дастлабки ойлардаёқ ишончим комил бўлдики, Ердаги тараққиёт, ҳақиқатан ҳам, ўз-ўзини йўқотувчи тараққиётдир. Бундай тараққиёт пайти келиб ўзидан сўнг ўлик сайёрани қолдиради. Ана ўшанда биз —ямликлар ёрдамга келамиз. Кўрибсизки, бир неча аср ўтиб, ўлик сайёра бизнинг Ямга ўхшайди-қолади. Коинотда яна бир ажойиб ҳаёт пайдо бўлади.

Бахтга қарши, ерда менинг омадим келмади. Бу хилдаги калтабинликни шу пайтгача кўрмаган эдим. Улар ўрмонларни алоҳида бир бераҳмлик билан кесадилар, қазилма бойликларни кўр-кўрона исроф қиладилар, ҳар қадамда ўзларига чоҳ қазийдилар. Бошқа бир гуруҳ дарёларни бўғиш, денгизларни булғаш билан банд, бечора балиқлар қоринларини осмонга қаратиб, сув юзига чиқиб қолаверадилар. Мен кузатаётган регионда ҳеч бир денгиздан қолишмайдиган ажойиб кўл бор эди. Энди унинг ўрни туз барханларидан иборат. Қойил! Аммо, уларга бу ҳам кам кўринади. Сайёрани тезроқ инқирозга юз туттириш учун сойларга, дарёларга, баъзан аҳоли зич яшайдиган жойларга ҳам бор-йўқ ахлатлар, зарарли чиқиндилар, ҳаттоки радиоактив моддалар ташлайдилар. «Эй, хумпар, жаннати боғ-роғларни кўпайтирсанг ўзингга фойда-ку!» — дейдиган марди майдон чиқиб қолса, таъна-дашном, мазах ёки айбнома остида қолади. Уларга асосан ёғлиқ, бўрсилдоқ патир керак. Патир ичига нима қўшилганлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Ерликлар заҳарларнинг янги-янги турларини топишда ҳам коинотда энг олдинги қатордалар. Мен буни ўзимда синаб кўрдим, аниқроғи — буни рангим сарғайгачгина англадим. Заҳарли моддаларнинг ҳисобига ҳеч ким етмайди. Бирини чиқитга чиқариб, иккинчисини—ундан даҳшатлироғини ишлата бошлайдилар, «буниси мутлақо зарарсиз», деб овоза қиладилар. Заҳар кашфиётчиси «уни еб беришга ҳам тайёрман», деб кўкрак керади. Баъзи моддалар сизни тўғридан-тўғри мажруҳ этса, баъзилари ирсий таъсир кўрсатади. Натижада, болалар ҳалигиндақанги... бўлиб туғилади. Бир-иккита эмас. Миллионлаб!

Бу заҳарларга кўпгина гиёҳлар чидаш бермайди. Фақат битта ўсимлик бор — ўшанинг бардоши етади. Бу ўсимликнинг гули сарғиш рангда товланади, ҳеч қандай ширин-шарбат мева қилмайди, берадиган ҳосили ўнлаб чаноқларга жойлашган ингичка оппоқ толалардан иборат. Мен кузатган ўлканинг жуда катта майдони ана шу ўсимлик билан банд.

Менимча, худди шу ўсимлик рангимнинг сарғайишига сабабчи бўлди. Касалланишнинг олдини олувчи барча чора-тадбирларим бекор кетди. Энди ўз сайёрамга қайтсам, менга биронта аёл зоти қайрилиб боқмаса керак, деб қўрқяпман. Рангинг сомон — жисминг ёмон, дейишади-ку. Балки, ирсий томондан ҳам шикастлангандирман, балки мендан бирон-бир зурёд ҳам қолмас. Лекин, бундан ортиқча ғам чекаётганим йўқ. Мен коинот ва Ватан олдидаги ўз вазифамни бажардим. Қилинган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни Ямга жўнатдим.

Йиллар ўтар. Бу ўлик сайёрага ямликлар келиб уни жаннатмакон этишар. Ўшанда энг гўзал ва энг баланд дарахтга менинг номим берилади. Унинг атрофида болалар ўйнашади, мен ҳақимда афсонавий эртаклар тўқишади, «Коинот равнақи учун жон фидо қилган», деб эъзозлашади...

**Озод МЎМИН**

**Олқор ДАМИН**

## ҒАЛАТИ «БЕШ»

**Ойижони сўраб қолди:**
**— Неча баҳо олдинг, Нур?**
**«Беш» олдик-да, ойижон!»**
**— деб**
**Мақтанди Нур тушмагур.**
**Бир оздан сўнг кундалигин**
**Очиб кўрса онаси,**
**«Уч» ва «икки» олган**
**экан**
**Маҳмадона боласи.**

## ИСМИ ЖИСМИГА МОС

**Укам Қаҳрамон**
**Жуда қаҳрамон:**
**«Поҳ!» — десангиз ҳам,**
**Қўрқмас ҳеч қачон.**
**Синглим Меҳрибон**
**Жуда меҳрибон:**
**Укачасини**
**Урмас ҳеч қачон.**
**Укачам Ўткур**
**Сал ўтмас, қурғур:**
**Олгани «уч»-да,**
**Э, омон бўлгур!**




## МАКТАБДАН ҚАЙТИШ

**Уч-тўртта «икки» олиб,**
**Хотиржам келар Толиб.**
**Ҳеч нарса бўлмагандай**
**Қўлин чўнтакка солиб.**

**Қизиқ, аълочи Ғолиб**
**Биттагина «тўрт» олиб,**
**Келар ютиб ёшини,**
**Бошини қуйи солиб...**

## ХАЙР, БУЗОҚЧАМ

**Бузоқчамни**
**Олиб кетди**
**Бозорга.**
**Қолавердим**
**Ўхшаб синиқ —**
**Дуторга.**
**...Отажоним**
**Уни роса**
**Пуллабди.**
**Отажоним**
**Мени қачон**
**Ўйлабди?!**
**— Сотмайлик, — деб**
**Қанча айтдим,**
**Бўлмади.**
**Кўзда ёш йўқ**
**Фақат кўнглим —**
**Йиғлади.**

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
БАҲОСИ 10 ТИЙИН

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Орган Союза писателей Узбекской ССР и Министерства культуры Узбекской ССР

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ.

Таҳрир ҳайъати: Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, Усмон АЗИМОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Рамз БОБОЖОН, Одил ЁҚУБОВ, Аҳмад ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Асқад МУХТОР, Абдулла ОРИПОВ, Тоҳир ШАМСИЕВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Тўлапберган ҚАЙИПБЕРГАНОВ, Малик ҚАЮМОВ, Тўлқиной ҚОДИРОВА, Пиримқул ҚОДИРОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ (масъул котиб)

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: Тошкент — 700083, Ленинград кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: бош муҳаррир — 33-52-91, 32-57-42; бош муҳаррир ўринбосари — 33-43-65, 32-54-66; масъул котиб — 33-49-93; секретариат — 32-58-49; БЎЛИМЛАР: ижтимоий-сиёсий — 32-56-50; танқид ва адабиётшунослик — 32-55-98; поэзия ва проза — 32-55-78; санъат — 32-56-48, 32-54-56; хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-49; сатира ва юмор — 32-54-71.

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар авторларига қайтарилмайди. Ҳикоялар уч интервалда 14 бет, очерк ва мақолалар 12 бетдан ошмаслиги керак.

Р. — 09765. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64593. Б. — 3138. 1. 2. 3. 4. 5. 6. 7. 8. 9. 10. 11. 12.